ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

380 Электрон рақамли имзодан фойдаланган қолда электрон шаклда давлат статистика қисоботини тақдим этиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 17 июлда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 2479

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўгрисида» ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 219-модда) 51-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси туррисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофик, шунингдек статистика маълумотларини электрон шаклда такдим этиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси **қарор қилади:**

1. Электрон рақамли имзодан фойдаланган холда электрон шаклда давлат статистика хисоботини тақдим этиш тартиби тўгрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



29 (581)-сон

— 49 —

380-модда

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат статистика қумитаси раиси

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 24 июнь, 3-мб-сон

> Узбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарорига ИЛОВА

Электрон рақамли имзодан фойдаланган холда электрон шаклда давлат статистика хисоботини тақдим этиш тартиби тўгрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 219-модда), «Электрон ракамли имзо тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 41-модда), «Электрон хужжат айланиши тўгрисида» ги (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда) конунларига мувофик, Интернет тармоги оркали электрон ракамли имзодан фойдаланган холда электрон хужжат кўринишида давлат статистика хисоботини (бундан буён матнда статистика хисоботи деб юритилади) такдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

статистика ҳисоботи — кўрсаткичлар номи, маълумотларни тўлдириш учун жой, мансабдор шахснинг имзоси ва мухри реквизитларини ўз ичига олган, респондент томонидан бирламчи ҳисоб ва бухгалтерия ҳужжатларини умумлаштириш асосида тўлдириладиган, белгиланган тартибда тасдиқланган давлат статистика кузатуви шакли;

респондент — статистика хисоботини такдим этувчи юридик шахс (зарур холларда унинг ваколатхонаси ёки филиали);

электрон намуна — кўрсаткичлар тавсифини, бирламчи статистик маълумотларни текшириш қисмларини, зарур меъёрий-ахборот маълумотларини ўз ичига олган махсус дастурий таъминотнинг бир қисми бўлган статистика хисоботининг электрон шакли;



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.

электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда ҳатолик йуҳлигини аниҳлаш ва электрон раҳамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация ҳилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон хужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга булган ахборот;

респондентнинг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда РЭРИ деб юритилади) — респондент номидан статистика хисоботини тақдим этувчи, калит сертификатининг эгаси булган шахснинг электрон рақамли имзоси:

статистика органининг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда СОЭРИ деб юритилади) — электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистика ҳисоботларини электрон шаклда йиғиш тизими доирасида электрон рақамли имзодан фойдаланиш ваколатига эга булган, калит сертификатининг эгаси ҳисобланган статистика органи ходимининг электрон рақамли имзоси;

Электрон рақамли имзодан фойдаланған холда статистика хисоботларини электрон шаклда йиғиш тизими (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) — статистика хисоботларини Интернет тармоғи орқали электрон шаклда қабул қилиш, жунатиш ва қайта ишлашни таъминловчи ахборот тизими;

статистика хисоботи олинганлиги хақида хабарнома (бундан буён матнда Хабарнома деб юритилади) — статистика хисоботи келиб тушган санаси ва статистика органи томонидан куриб чиқиш натижасини тақдим этиш муддати туррисидаги маълумотни уз ичига олган, Тизим томонидан автоматик тарзда шаклланувчи хабар;

тўгриланиши лозим бўлган статистика хисоботини такдим этиш хакида кўрсатма (бундан буён матнда Кўрсатма деб юритилади) — статистика хисоботи бузиб кўрсатилганлиги (ишончсизлиги) аникланган холларда, статистика органининг СОЭРИ билан имзоланган ва респондентга юбориладиган электрон хужжат;

статистика хисоботи қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома (бундан буён матнда Маълумотнома деб юритилади) — статистика органи томонидан статистика ҳисоботининг ҳабул ҳилинганлигини тасдиҳловчи, санаси ва ҳабул ҳилган ходимнинг фамилияси курсатилган, СОЭРИ билан имзоланган ва респондентга юбориладиган электрон ҳужжат;

қайта ишлаш даври — йиғма статистика маълумотларини ўз вақтида тарқатилишини таъминловчи, олинган статистик хисоботларни тахлил қилиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси томонидан белгиланган вақт оралиғи. Қайта ишлаш даври тегишли йиғма статистика маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-



си томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тарқатиш муддатидан ошмаслиги керак.

2. Статистика хисоботини электрон шаклда такдим этиш респондентнинг ўз хохишига кўра ахборот-коммуникация технологияларини кўллаган холда амалга оширилиши мумкин.

Статистика хисоботларини электрон шаклда такдим этувчи респондентлар, уларнинг қоғоз шаклида нусхасини такдим этишга мажбур эмас.

- 3. Статистика хисоботларини электрон шаклда такдим этмайдиган респондентлар учун, уларни қоғоз шаклида, тегишли статистика органига тақдим этишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинади.
- 4. Статистика органлари томонидан статистика ҳисоботини белгиланган тақдим этиш даврийлигидан купроқ талаб қилинишига йул қуйилмайди.
- 5. Электрон шаклдаги статистика хисоботи қоғоз хужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга хамда белгиланган тартибда архивда сақланиши лозим.

Электрон шаклдаги статистика хисоботининг сақланиш муддати, қоғоз шаклидаги статистика хисоботлари учун белгиланган муддатдан кам булмаслиги керак.

- 6. Заруриятга кура, статистика органи томонидан электрон статистика хисоботининг қоғоз шаклдаги нусхаси тайёрланиши мумкин, нусхада тегишли реквизитлар, тайёрланган вақти ва санаси курсатилади. Электрон статистика хисоботининг қоғоз шаклидаги нусхаси уни тайёрлаган статистика органи рахбари томонидан имзоланади.
- 7. Статистика хисоботини киритиш, қайта ишлаш, текшириш, жунатиш ва сақлаш буйича махсус дастурий таъминот ва электрон намуна Узбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг расмий сайти (www.stat.uz) орқали бепул тақдим этилади.
- 8. Статистика хисоботи шаклига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилган такдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси тегишли электрон намунага зарур ўзгартиришларни киритиб, расмий сайт орқали респондентни ўзгартиришлар туррисида хабардор қилади.


Электрон намунанинг ўзгарганлиги тўгрисида маълумот олинганда, респондент статистика хисоботини такдим этиш учун ўзгартирилган электрон намунадан фойдаланиши зарур.

2-боб. Статистика хисоботини электрон шаклда такдим этиш

9. Статистика хисоботини электрон шаклда такдим этиш учун респондент:

Узбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг расмий сайти орқали Тизимга мурожаат қилади;

ўзининг шахсий компьютерига мустақил равишда махсус дастурий таъминотни ўрнатади, шунингдек ундан фойдаланган холда ўзига керак бўлган статистика хисоботларининг электрон намунасини ўрнатади;





тегишли статистика хисоботи шаклини такдим этиш даврийлиги ва белгиланган муддатидан кечиктирмай электрон статистика хисоботини шакллантиради ва жунатади.

10. Электрон шаклда тақдим этилган статистика хисоботлари, тўлиқ тўлдирилган ва хисобот маълумотларининг мантикий яхлитлигини текшириш дастурий модулини қўллаган холда текширилган бўлиши керак.

Электрон намунанинг хар бир катакчасида статистика хисоботи намунасида ёки унга илова қилинган руйхатда (номенклатура, таснифлагич) келтирилган улчов бирликлари буйича факат битта курсаткич курсатилади.

Тегишли катакчада:

кўрсаткич йўқ бўлган холда «-» белгиси;

кўрсаткич қиймати белгиланган ўлчов бирлигидан кам бўлган ҳолда «0» киймати ёзиб қўйилади.

11. Статистика ҳисоботида қуйидаги мажбурий реквизитлар кўрсатилган бўлиши шарт:

респондентнинг номи ва идентификацион кодлари (КТУТ, СТИР);

респондентнинг электрон ва почта манзили;

хужжат яратилган сана;

уни тузишга масъул булган мансабдор шахслар турчисида маълумотлар; РЭРИ.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг электрон ракамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган РЭРИ билан имзоланган ва ўзида мажбурий реквизитларни акс эттирган электрон шаклдаги статистика хисоботи респондентдан чикувчи деб хисобланади.

Белгиланган намунага мос келмаган ва РЭРИ билан имзоланмаган электрон шаклдаги статистика хисоботи статистика органлари томонидан куриб чикилмайди.

3-боб. Статистика хисоботларини такдим этишда электрон хужжат айланиши иштирокчиларининг ўзаро хамкорлиги

- 13. Респондентдан электрон статистика хисоботини қабул қилишда, Тизим унинг электрон манзилини автоматик равишда руйхатдан утказади. Тизим томонидан электрон манзилнинг руйхатдан утказилиши, респондент учун статистика хисоботларини фақат электрон шаклда тақдим этиш мажбуриятини бермайди.
- 14. Статистика хисоботини юборгандан сўнг респондент унинг олинганлиги ва уни кўриб чикиш муддати тўгрисида Тизим оркали автоматик тарзда шакллантирилган электрон Хабарномани олади, ушбу хабар уни статистика органи томонидан қабул қилинганлигини тасдиқламайди.
- 15. Хабарномада кўрсатилган вақтдан кечиктирмай, респондент қуйидаги электрон хужжатлардан бирини олади:



Маълумотномани — агар қайта ишлаш учун келиб тушган статистика хисоботи статистика органларининг назорат тизимидан муваффақиятли ўтса ва статистика маълумотларида қоидабузилишлар (арифметик хатолар, мантиқий қарама-қаршиликлар, аввалги хисобот даврлари маълумотлари билан таққослангандаги номувофикликлар) йўқ бўлса;

Курсатмани — такдим этилган статистика хисоботида қоидабузилишлар аникланганда.

16. Агар респондент, жорий хисобот даври учун статистика хисоботини юборгандан сўнг, ундаги хатолар ва номувофикликларни мустакил аникласа, у статистика органларига тўгриланган хисоботни тушунтиришлар билан юборади.

Қайта ишлаш даври ўтгунига қадар респондент томонидан тўгриланган хисоботнинг қайта юборилиши, давлат статистика хисоботини такдим этиш тартибини бузиш хисобланмайди, хисобот мазкур Низомда белгиланган тартибда статистика органлари томонидан қабул қилинади ва қайта ишланади.

- 17. Респондент томонидан мустақил тўгриланган хисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган маълумотларни тарқатиш муддатларидан кечикиб қайта юборилиши, давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш хисобланади ва қонун хужжатларига мувофиқ мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.
- 18. Статистика органи ходими, жорий хисобот даври учун респондентдан электрон шаклдаги статистика хисоботини қабул қилганда:

Хабарномада белгиланган муддатдан кечиктирмай уни қайта ишлашни таъминлаши;

статистика ҳисоботини қайта ишлаш тугаганидан сўнг бир соатдан кечиктирмай, респондентга СОЭРИ билан имзоланган Маълумотнома ёки Кўрсатмани юбориши;

жорий хисобот даври учун статистика хисоботи ўрнатилган муддатдан эрта келиб тушса, хисоботни қабул қилиши, уни қайта ишлашни амалга ошириши ва бир соатдан кечиктирмай, респондентга СОЭРИ билан имзоланган Маълумотнома ёки Кўрсатмани юбориши лозим.

19. Хисоботдаги статистика маълумотларида қоидабузилишлар аниқланган холларда, статистика органи томонидан респондентга Курсатма юборилади. Курсатма барча хато ва номувофикликлар руйхатини, уларни бартараф этиш буйича тавсияларни, шунингдек тургиланган маълумотларни такдим этиш муддати ва қайта ишлашни утказган ходимнинг СОЭРИни уз ичига олиши лозим.

Курсатмадаги маълумотларни тургилаб такдим этиш муддати, қайта ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

20. Респондент Курсатмани олгандан сунг, статистика хисоботини турилаб, уни статистика органига қайтадан юборади.



380-модда

Агар жорий хисобот даври учун тўгриланган статистика хисоботи Кўрсатмада белгиланган муддатда такдим этилган бўлса, хисоботларни такдим этиш муддатларини бузганлиги учун белгиланадиган маъмурий жазо чоралари қўлланилмайди.

21. Агар жорий хисобот тўгри бўлиб, жорий статистика хисоботидаги номувофикликлар илгари йўл кўйилган хатолар ва бузиб кўрсатишлар (ўтган хисобот даврларида) билан боглик бўлганлиги учун респондент томонидан уни тўгрилаш мумкин бўлмаса, бу холда респондент Кўрсатмада белгиланган муддатдан кечиктирмай:

номувофикликлар сабабларига изох берган холда, жорий хисоботни статистика органига қайта юборади;

ўтган ҳисобот даврлари учун тўгриланган статистика ҳисоботини статистика органига тақдим этади (электрон ёки қоғоз шаклида).

22. Номувофикликлар сабабларига изох берилган холда юборилган жорий хисоботни респондентдан олганда, статистика органи:

жорий статистика хисоботини қабул қилади ва респондентга Маълумотнома юборади;

респондентдан бузиб кўрсатишлар йўл қўйилган барча ўтган даврлар учун тўгриланган статистика ҳисоботини қабул қилади ва уларга нисбатан тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини кўриш масаласини ҳал этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғма давлат статистика маълумотларига ўзгартиришлар киритиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади.

23. Респондентда Маълумотнома мавжуд булган такдирда, статистика хисоботи қабул қилинган деб хисобланади. Маълумотномада курсатилган вақт ва сана статистика хисоботи топширилган муддат булиб хисобланади.

Респондент Маълумотномани статистика хисоботини архивда сақлаш учун белгиланган муддат давомида сақлайди.

- 24. Техник сабабларга кура, мазкур Низомда белгиланган муддатларда Хабарнома, Маълумотнома ёки Курсатмани олмаган респондент, ушбу холат буйича узи жойлашган жойдаги статистика органига хабар (электрон почта орқали, телефонда ёки шахсан) беради.
- 25. Статистика органи хабарни олгандан сўнг, респондент билан биргаликда, 8 соатдан ошмаган муддатда мазкур холатнинг келиб чикиш сабабларини аниклаш ва уни бартараф этиш бўйича зарур харакатларни амалга оширади.

4-боб. Якуний қоидалар

26. Электрон шаклдаги статистика хисоботларини қабул қилувчи статистика органлари ходимлари, уларни ўз вақтида қайта ишланиши ва олинган маълумотлар махфийлигини таъминлаган холда улардан келгусида фа-



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

29 (581)-сон

— 55 —

380-381-моддалар

қат статистика мақсадларида фойдаланилиши учун шахсан жавобгардирлар.

- 27. Статистика органлари ходимлари статистика хисоботини РЭРИ билан ноқонуний имзоланиши учун жавобгар булмайдилар.
- 28. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.
- 29. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси билан келишилган.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат құмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

2013 йил 24 июнь